ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БАҲОЛАШДА КЎП МЕЗОНЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МОДЕЛИ

Қобилов Анвар Эшпўлотович
Қарши давлат университети таянч докторанти
E-mail: kobilovanvar@gmail.com

Аннотация: *Ушбу тадқиқот орқали Қашқадарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий омиллари ва устувор йўналишлари иерархик таҳлил усули (ИТУ) ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, мавжуд хом-ашё заҳиралари, институционал ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлиги, ҳудуднинг бозор ҳажми, инфратузилма объектларининг мавжудлиги ва ҳолати хорижий инвесторлар учун энг муҳим омиллар сифатида қайд этилган. Шунингдек, Қашқадарё вилоятига инвестиция жалб қилишнинг устувор сектори сифатида саноат соҳаси танланди.*

Калит сўзлар: *Иерархия таҳлили усули, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хорижий инвесторлар, боғлиқлик нисбати, кўп мезонли қарор қабул қилиш модели.*

Аннотация: *В рамках данного исследования были проанализированы основные факторы и приоритеты прямых иностранных инвестиций в Кашкадарьинской области с использованием метода анализа иерархий (МАИ). Согласно результатам исследования, наиболее важными факторами для иностранных инвесторов являются доступное сырье, эффективность институциональных и правовых реформ, размер рынка региона, наличие и состояние инфраструктуры. Кроме того, сектор промышленности был выбран в качестве приоритетного направления привлечения инвестиций в Кашкадарьинскую область.*

Ключевые слова: *Метод анализа иерархий, прямые иностранные инвестиции, иностранные инвесторы, коэффициент согласованности, многокритериальная модель принятия решений.*

Abstract: *Through this study, the main factors and priorities of foreign direct investment in Kashkadarya region were analyzed using the analytic hierarchy process (AHP). According to the research results, the most important factors for foreign investors are the available raw materials, the effectiveness of institutional and legal reforms, the market size of the region, the availability and condition of infrastructure. In addition, industry sector was selected as a priority direction for attracting investment to Kashkadarya region.*

Keywords: *analytic hierarchy process, foreign direct investment, foreign investors, consistency ratio, multi-criteria decision-making model.*

Кириш

Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили натижалари, иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва муҳим йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, узоқ муддатли ривожланишнинг истиқболда бўлишини таъминлаш мақсадида вилоятнинг ҳар бир ҳудуди (шаҳар, туман) бўйича инвестицион сиёсатнинг стратегик устуворликлари тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда жозибали инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли жойлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўп мезонли қарорлар қабул қилиш моделининг иерархик таҳлил усули усули (ИТУ) ва ТОПСИС (Technique for Order of Preference by Similarity to Ideal

Solution) усулларини қўллаган ҳолда, хорижий инвесторларнинг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган омиллар ва инвестиция жалб қилинаётган соҳаларнинг устуворлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тизим орқали тузилмавий ўзгаришлар ва институционал янгиланишлар (рақобатнинг ривожланиши, мулк ҳуқуқи ва иқтисодий эркинлик муҳофазаси, инвестицион иқлим ва бизнес муҳитнинг яхшиланиши)га йўналтирилган фаол инвестицион фаолият кўзда тутилади. Шунингдек, вилоят ҳудудларининг ишлаб чиқариш омилларидан унумли ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш омиллари билан бир қаторда, иқтисодий ўсишнинг ички омилларининг ҳаракатга тушиши (умумий маҳсулдорлигининг ортиши, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, инновацион ривожланиш) ҳисобга олинади.

Иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақобатбардош, ички ва ташқи муҳитда қиёсий афзалликларга эга бўлган фаолият турларининг ортиши, вилоят иқтисодиётининг тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш анъаналарини бойитган ҳолда жаҳон хўжалик муносабатларига чиқишига имкон беради. Бу ўз навбатида, рақобатбардош фаолият турларини ривожлантириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида кластерларини яратишни таъминлайди. Пировардида, аҳоли турмуши сифатини ошириш, камбағаллик муаммоларини қисқартиришда жиддий силжишлар қайд этилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иерархиялар таҳлили усули ва ТОПСИС методларидан якка ёки комбиниция лашган ҳолда фойдаланиш орқали хорижий инвестициялар муаммолари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Иқтисодчи олимлар Левари ва Ван томонидан хорижий инвестицияларни амалга оширадиган фирмалар фаолиятига кўрсатаётган омилларни баҳолаш ва инвестиция муқобил вариантларни тартиблаштириш (ранжирлаш) учун ИТУ ёрдамида методология ишлаб чиқилган [1]. Ушбу методология ТТХИ билан боғлиқ хатар (риск)лар ва ноаниқликларни турли мезонлар орқали баҳолаш ва мақбул вариантларни танлаш орқали фирманинг инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнига ёрдам беради.

Иқтисодчи олимлар Абид ва Бахлул томонидан, ИТУ методларидан фойдаланган ҳолда 7 та Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларининг инвестицион жозибардорлиги баҳоланган [2]. Иқтисодчи олимлар Ли ва Шерали томонидан ИТУ ёрдамида Хитойнинг Туман дарёси атрофидаги ҳудудларнинг хорижий инвестициялар бўйича имкониятлари таҳлил қилинган [3].

Денг, Ван ва Йео томонидан ИТУ ва ТОПСИС ёрдамида Хитойдаги 4 та эркин савдо портларининг хорижий инвестициялар бўйича фаолияти баҳоланган [4]. Иқтисодчи олимлар Корхан ва Шахрамлар иккала усулдан фойдаланган ҳолда, АҚШ томонидан уч давр: инқирозгача (2004-2006 йиллар), инқироз (2007-2009) ва инқироздан кейинги (2010-2012 йиллар) даврларда 9 та ривожланган мамлакатларга киритилган ТТХИ ҳажмига таъсир этган омиллар таҳлил қилинган [5].

Иқтисодчи олимлар Ванг ва бошқ. томонидан ИТУ ва ТОПСИС усулари ёрдамида Вьетнам давлати учун “ўсиш нуқта”ларини белгилайдиган соҳалар учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича зарур бўлган бўлган бир қатор омиллар баҳоланган [6].

Россиялик иқтисодчи олим Лобкова ТОПСИС усули ёрдамида томонидан ҳудудларни барқарор ривожлантиришда ижтимоий -иқтисодий мезонларнинг таъсири баҳоланган [7].

Аввалги тадқиқотларимизда, Қашқадарё вилоятининг иерархик таҳлил усули (ИТУ) ёрдамида вилоятнинг ҳар бир тумани (шаҳар) бўйича хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган [8], [9]. Лекин, ушбу тадқиқот натижалари хорижий инвестицияларни жалб қилиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳаллий экспертларнинг баҳолари ҳисобга олинган. Шундан келиб, тадқиқот натижаларини илмий жиҳатдан такомиллаштириш, ҳудуддаги инвестицион салоҳият ва инвестиция жалб қилишнинг устувор йўналишларини янада аниқлаштириш мақсадида вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторларнинг инвестиция бўйича қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатаётган омилларни ва устувор йўналишларни аниқлаш талаб этилади.

Тадқиқот методологияси

Қашқадарё вилоятининг мавжуд салоҳиятидан келиб чиқиб, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида рақобатбардошлик ва иқтисодий самарадорликни оширувчи соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Хорижий инвесторлар нуқтаи назаридан, қайси секторга инвестиция киритишни режалаштириш ва инвестиция қарорига таъсир қиладиган омилларни аниқлаш долзарбдир. Бу нафақат инвестиция қабул қилувчи ҳудуднинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига таъсир қилади, балки инвестиция киритаётган мамлакат ёки компания ичида турли хил афзалликларни таъминлайди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир кўрсатадиган омиллар ва вилоят иқтисодиётига инвестиция киритиш учун энг қулай соҳа (тармоқ)ни аниқлашда ИТУ ТОРСИС (Technique for Order of Preference by Similarity to Ideal Solution) методларини бирлаштирган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқот методологияси босқичлари 1-расмда батафсил берилган.

Ушбу тадқиқотни амалга оширишда учун Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган салоҳиятли хорижий компанияларнинг 10 нафар экспертлари (тадқиқотнинг 1-2 босқичлари учун) ва Қашқадарё вилоятидаги 15 туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосарлари (тадқиқотнинг 3-босқичи) жалб этилди.

Иерархиялар таҳлили усули – мураккаб масалалар юзасидан қарор қабул қилишда қўлланилиши мумкин бўлган тизимли таҳлилнинг бир усули бўлиб, америкалик математик Томас Саати томонидан ишлаб чиқилган [10]. Иерархиялар таҳлили усули дастлаб харбий масалаларни ечиш учун ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик бу усуллар қарорлар қабул қилишнинг комплекс усули ва ресурсларни тақсимлаш усули сифатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тиббий, таълим, муҳандислик, бошқарув масалаларини ечишда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Ушбу усул мураккаб (кўп мезонли) муаммоларнинг ечимини излашда рационал тизимларни иерархик принцип бўйича лойиҳалаштириш, солиштириш ва муқобил вариантларни миқдорий кўрсаткичлар воситасида баҳолашга имконият беради [11], [12].



1-расм. Таклиф этилаётган методология босқичлари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича қарор қабул қилиш жараёни уч босқичда амалга оширилади

Биринчи босқич иерархик структура тузиш босқичи бўлиб, структурага тадқиқ қилинаётган муаммо, унинг ечимини танлаш учун мезонлар, ечимига таъсир қилувчи омиллар, муаммо ечими бўлими мумкин бўлган барча муқобил вариантлар ва улар орасидаги боғлиқликни кўрсатувчи муносабатлар схематик равишда киритилади.

Иккинчи босқич устунликни аниқлаш босқичи бўлиб, унда иерархиянинг ҳар бир поғонасидаги элементлар муҳимлик даражасига қараб, солиштирма таҳлил асосида тартибга солинади ва ҳар бир элемент учун устунлик коэффициенти ҳисобланади.

Учинчи босқич қарор қабул қилиш босқичи бўлиб, унда иерархия поғоналаридаги элементларнинг устунлик коэффициентлари ва поғоналар орасидаги

боғлиқлик муносабатларидан фойдаланиб, муаммо ечими бўлиши мумкин бўлган муқобил вариантларнинг устунлик даражаси аниқланади.

Т.Саати томонидан вариантларни турли мезонлар асосида жуфтлик ҳосил қилиб солиштириш ва уларни тартибга келтириш учун тўққиз баллик шкалалар киритилган. Шкалага 1 дан 9 гача бўлган бутун сонлар асос қилиб олинган ва иккита А ва Б вариантлар ўзаро солиштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Танланган мезонларнинг устунлик жадвали

А нинг Б дан устунлик даражаси	*Тавсифи*	*Б нинг А дан устунлик даражаси*
1	А ва Б тенг имкониятга эга	1
3	А Бдан енгил устунликка эга	1/3
5	А Бдан кучли устунликка эга	1/5
7	А Юдан етарлича кучли устунликка эга	1/7
9	А Бдан мутлақ устунликка эга	1/9
2,4,6,8	А нинг Б дан устунлиги юқоридаги ҳолатларнинг орасида	1/2, 1/4, 1/6, 1/8

Фараз қилайлик, $\mathrm{C} = \{C_j | \mathrm{j} = 1,2 \ldots\ldots, \mathrm{n}\}$ танланган мезонлар тўплами бўлсин. Мезонларни ўзаро жуфт солиштириш натижалари А матрицаси орқали амалга оширилади ва $a_{ij}(i, j = 1,2 \ldots\ldots, n)$ нинг ҳар бир элементи қуйидаги мезон ўлчовлари асосида нисбатланади:

$$A = \begin{bmatrix} a_{11} a_{12} \ldots a_{1n} \\ a_{21} a_{22} \ldots a_{2n} \\ \vdots \quad \vdots \quad \ddots \quad \vdots \\ a_{n1} a_{€n2} \ldots a_{nn} \end{bmatrix}, a_{ii} = 1, a_{ji} = \frac{1}{s_{ij}}, a_{ij} \neq 0 \qquad (1)$$

Шундан сўнг, математик амаллар бажарилиб, ҳар бир матрицанинг устуворлик элементлари топилади.

$$\mathrm{A_w} = \lambda_{\max} \mathrm{W} \qquad (2)$$

Эксперт баҳолаш томонидан амалга оширилган мулоҳазаларнинг мантиқий жиҳатдан боғлиқлигини баҳолаш учун “боғлиқлик индекси” (CI) ёки “боғлиқлик нисбати” (CR) тушунчаларидан фойдаланилади. Агарда CR≤0.1 бўлса, солиштирма матрицани ишлатиш тавсия этилади. Акс ҳолда (CR≥0.1) мантиқий мулоҳазалар кетма-кетлиги бузилган ва матрицани тўлдиришда экспертлар хатога йўл қўйган ҳисобланади ҳамда баҳолаш ишлари қайтадан амалга оширилади [4].

$$CI = (\lambda_{max} - n)/(n - 1) \qquad (3)$$

$$CR = CI/RI \qquad (4)$$

Таҳлил ва натижалар

Инвестиция сиёсатининг устувор стратегик йўналишлари минтақага хорижий компанияларнинг кириб келиши, иқтисодиёт тармоқларининг йирик лойиҳаларга қўшилишини таъминлайди. Уларни амалга оширишдаги иштирок эса минтақанинг айниқса, ишлаб чиқариш (меҳнат ва хом-ашё ресурслари) омилларида намоён бўлаётган қиёсий афзалликларини рўёбга чиқариш йўли билан саноатни ривожлантириш бўйича замонавий лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги қувватларни яратиш ва мавжудларини янгилаш мақсадида саноат ва агросаноат мажмуи (АСМ)га, хизматлар соҳасини ривожлантириш, айниқса ҳудудларнинг сайёҳлик ва дам олиш имкониятларини рўёбга чиқариш, халқаро сайёҳлар оқимини шакллантириш учун халқаро шерикларни жалб этиш шароитини яратади.

Бунда вилоят инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий механизми сифатида минтақанинг табиий-хом ашё имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини қуриш катта аҳамият касб этади.

Тадқиқотда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилоятига инвестияларни жалб қилишнинг усутувор йўналишлари 3 поғонали босқичлар ёрдамида аниқланди ва таҳлил қилинаётган муаммонинг иерархик структураси тузилди (2-расм).

Иерархик структура –муаммонинг дарахт кўринишидаги график тасвири бўлиб, бунда ҳар бир элемент юқорида жойлашган бир ёки бир нечта элементларга боғлиқ ва иерархик структуралар мураккаб муаммоларни таркибий қисмларга ажратиб, таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича инвестицион муҳитини белгиловчи 9 та омиллар –иерархик структура мезонлари сифатида танланди.

MARKET –ҳудуднинг бозор ҳажми, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)га бўлган бозор талаби ва аҳоли даромадлари;

RESOURSE –ҳудуддаги мавжуд хом-ашё заҳиралари (табиий конлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари);

LABOUR – ҳудуднинг ишчи кучи миқдори, таркиби, малакаси, иш ҳақи даражаси;

LOCATION –ҳудуднинг географик жойлашуви;

PRINFRA –ишлаб чиқариш инфратузилмалари (табиий газ, электр-энергия, ичимлик ва оқова сувлари)нинг мавжудлиги, ҳолати ва хизмат кўрсатиш нархи;

FININFRA –ҳудуддаги молиявий инфратузилма (банк, суғурта муассалари) объектларининг мавжудлиги ва ҳолати

DOMSUPPLY –хорижий инвестор томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилаётган маҳсулот (хизмат)ларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилиши;

INSTITUTS –институтционал ва ҳуқуқий омиллар коррупция,бюрократия, қонунларга итоат этиш даражаси, шартномаларга риоя қилиниши, мулк ҳуқуқининг таъминланганлиги);

TEXNOLOGY –ҳудуднинг технологик ва инновацион ривожланиш даражаси.



2-расм. Қашқадарё вилояти ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари иерархияси

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқ қилинаётган иерархик структуранинг муқобил вариантлари сифатида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари танланди. Танланган мезонларни ўзаро солиштириш баҳолаш матрицаси асосида ҳар бир эксперт томонидан мустақил амалга оширилди.

Ўзаро солиштиришда нисбатан муҳим элементга 3, 5, 7, 9 бутун сонлари, иккинчисига эса бутун сонга тескари каср сон мос қўйилади. Баҳолаш жараёнида айрим ҳолатларда 2,4,6,8 рақамлари оралиқ қийматлар учун ишлатилди. Солиштириш жараёнида нисбий катта хатоликларга йўл қўйилмади (2-жадвал).

Жалб қилинган барча экпертларнинг баҳоси асосида ҳудудларнинг инвестицион муҳитини тавсифловчи мезонларнинг устуворлик векторлари аниқланди ва баллар кетма-кетлиги бўйича мезонларнинг тартибланиши (ранжирланиши) амалга оширилди. Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, хорижий инвесторларнинг инвестиция киритиш қарорига таъсир этувчи энг муҳим омил сифатида ҳудудларнинг мавжуд хом-ашё ресурслари салоҳияти баҳоланди (0.245 балл). Ҳудуднинг институционал ва ҳуқуқий омиллари инвестиция киритишнинг устуворлик кетма-кетлиги бўйича 2-ўринда қайд этилиб, экспертлар томонидан берилган ўртача баҳо қиймати -0.20 баллни ташкил этди. Ҳудуддаги бозор ҳажми ва маҳсулот (хизмат)ларга бўлган талаб, аҳоли даромадлари даражаси омилининг ҳам хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди (0.19 балл). Инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилишда ҳудудларда ишлаб чиқариш инфратузилма объектларининг мавжудлиги ва сифати –танланган мезонлар ичида 4-позицияни қайд этиб, экспертлар томонидан 0.17 балл асосида баҳоланди (3-жадвал).

2-жадвал

Эксперт томонидан мезонларнинг баҳолаш матрицаси[1]

Мезонлар	MARKET	RESOURSE	LABOUR	LOCATION	PRINFRA	FININFRA	DOMSUPPLY	INSTITUTS	TEXNOLOGY	УСТУВОРЛИК
MARKET	1	1/3	3	3	1/3	3	7	3	5	0.15
RESOURSE	3	1	4	5	1	4	9	3	7	0.26
LABOUR	1/3	1/4	1	3	1/5	5	5	1/3	1	0.07
LOCATION	1/3	1/5	1/3	1	1/3	3	5	1/3	3	0.06
PRINFRA	3	1	5	3	1	5	7	2	5	0.24
FININFRA	1/3	1/4	1/5	1/3	1/5	1	5	1/3	1/3	0.03
DOMSUPPLY	1/7	1/9	1/5	1/5	1/7	1/5	1	1/3	1/3	0.02
INSTITUTS	1/3	1/3	3	3	1/2	3	3	1	3	0.11
TEXNOLOGY	1/5	1/7	1	1/3	1/5	3	3	1/3	1	0.04
Мувофиқлик нисбати (CR)						0.09	0.10 критик қийматдан кичик (хатолик йўқ)			

3-жадвал

Экспертлар томонидан баҳоланган мезонларнинг устуворлик вектори[2]

Мезонлар	**Э1**	**Э2**	**Э3**	**Э4**	**Э5**	**Э6**	**Э7**	**Э8**	**Э9**	**Э10**	**Ўртача устуворлик баҳоси**	**Ранг ўрни**
MARKET	0.15	0.21	0.30	0.13	0.13	0.20	0.17	0.18	0.21	0.22	0.19	3
RESOURSE	0.26	0.20	0.22	0.29	0.26	0.29	0.18	0.26	0.25	0.18	0.245	1
LABOUR	0.07	0.04	0.04	0.04	0.04	0.04	0.04	0.04	0.09	0.09	0.05	6
LOCATION	0.06	0.07	0.06	0.06	0.06	0.07	0.07	0.07	0.06	0.06	0.06	5
PRINFRA	0.24	0.25	0.12	0.15	0.17	0.16	0.17	0.15	0.13	0.14	0.17	4
FININFRA	0.03	0.05	0.04	0.04	0.04	0.05	0.05	0.05	0.04	0.04	0.04	7
DOMSUPPLY	0.02	0.02	0.01	0.01	0.01	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.017	9
INSTITUTS	0.11	0.14	0.18	0.24	0.27	0.15	0.27	0.20	0.19	0.22	0.205	2
TEXNOLOGY	0.04	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.02	0.022	8
Мувофиқлик нисбати (CR)	0.09	0.10	0.10	0.10	0.09	0.10	0.10	0.10	0.10	0.10	0.098	

[1] Эксперт баҳоси асосида муаллиф томонидан Mpriority 1.0 дастурида ҳисобланган

[2] Экспертлар томонидан амалга оширилган баҳолаш матрицаси асосида муаллиф томонидан Mpriority 1.0 дастурида ҳисобланган.

Хорижий инвесторлар томонидан берилган баҳоларга кўра, юқоридаги қайд этилган 4 та омиллар –инвестиция қарорини қабул қилишда энг муҳим мезонлиги қайд этилиб, уларнинг танланган мезонлар ичида жами устуворлик даражаси 81 фоиз (0.81 балл) ни ташкил этди.

Қолган мезонларнинг жами устуворлик вектори -19 фоиз (0.19 балл)ни ташкил этиб, ҳудуднинг қулай жойлашуви -0.06 балл, ишчи кучи таркиби, малакаси, иш ҳақи даражаси -0.05 балл, молиявий инфратузилма ҳолати -0.04 балл, ҳудуднинг технологик ва инновацион ривожланиш даражаси -0.023 балл, ички таклиф даражаси -0.017 балл асосида экспертлар томонидан баҳоланди.

4-жадвал

Экспертлар томонидан баҳоланган муқобил соҳаларнинг устуворлик вектори[3]

Экспертлар/ Муқобил соҳалар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш
Э1	0.48	0.39	0.16
Э2	0.55	0.37	0.08
Э3	0.53	0.41	0.06
Э4	0.42	0.49	0.09
Э5	0.38	0.44	0.18
Э6	0.51	0.25	0.24
Э7	0.39	0.51	0.10
Э8	0.56	0.18	0.16
Э9	0.59	0.16	0.25
Э10	0.31	0.48	0.21
Ўртача баҳо	**0.47**	**0.38**	**0.15**
Мувофиқлик нисбати (CR)	0.09	0.10	0.09

Хорижий экспертлар томонидан инвесторлар томонидан Қашқадарё вилоятига инвестиция киритиш бўйича қулай соҳа(саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш)лар устуворлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишнинг энг устувор сектори сифатида – саноат соҳаси танланди ва экспертларнинг ўртача баҳоси - 0.47 баллни ташкил этди. Мавжуд имкониятлар ва ресурслар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги соҳасига кейинги устуворлик берилди ва экспертларнинг ўртача баҳоси сифатида - 0.38 балл қайд этилди. Хизматлар соҳаси танланган секторлар ичида муҳимлиги сифатида охирги ўринда қайд этилди ва экспертларнинг ўртача баҳоси - 0.15 баллни ташкил этди.

Хулоса

Ушбу тадқиқот орқали Қашқадарё вилоятига хорижий инвесторлар томонидан инвестиция киритишга таъсир этувчи омиллар ва инвестиция киритишнинг устувор соҳалари иерархик таҳлил усули ёрдамида аниқланди.

Таҳлил натижаларига кўра, хорижий инвесторлар нуқтаи-назаридан инвестиция киритишнинг энг асосий омиллари сифатида қуйидагилар қайд этилди:

[3] Экспертлар томонидан амалга оширилган баҳолаш матрицаси асосида муаллиф томонидан Mpriority 1.0 дастурида ҳисобланган.

-ҳудудлардаги мавжуд хом-ашё заҳиралари (мавжуд табиий тоғ-кон ва кимёвий элементлар заҳиралари, этиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳсулотлари миқдори ва таркиби);

-олиб борилаётган институционал ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлиги, коррупция ва бюроктария даражасининг пастлиги, қонунларга риоя этиш даражасининг юқорилиги;

- ҳудуднинг бозор ҳажми, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)га бўлган бозор талаби, аҳоли даромадлари даражаси;

-ҳудудларда инфратузилма объектларининг мавжудлиги, ҳолати ва хизмат кўрсатиш сифати ва нархлари.

Вилоятга инвестиция киритиш бўйича соҳаларнинг муҳимлик даражасига кўра: 1) саноат соҳаси; 2) қишлоқ хўжалиги; 3) хизмат кўрсатиш соҳаси танланди.

Иерархик таҳлил усули ёрдамида хорижий инвестцияларга таъсир этувчи омиллар таъсири ва жалб этишнинг устувор йўналишларини аниқлаш орқали ҳудудларнинг мавжуд имкониятлари ва салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича ҳудудлар орасида кескин тафовутни йўқотиш мумкин. Устувор йўналишлар бўйича ҳар бир ҳудуд кесимида мақбул инвестицион лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши орқали хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан ишлаш самарадорлиги ортади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1]. Levary, R. R., & Wan, K. (1999). An analytic hierarchy process based simulation model for entry mode decision regarding foreign direct investment. Omega, 27(6), 661–677. https://doi.org/10.1016/S0305-0483

[2]. Abid, F., & Bahloul, S. (2011). Selected MENA countries' attractiveness toG7 investors. Economic Modelling, 28(5), 2197–2207. https://doi.org/10.1016

[3]. Li, Q., & Sherali, H. D. (2003). An approach for analyzing foreign direct investment projects with application to China's Tumen River Areadevelopment. Computers & Operations Research, 30(10), 1467–1485.https://doi.org/10.1016

[4] Deng, X., Wang, Y., & Yeo, G.-T. (2017). Enterprise perspective-based evaluation of free trade port areas in China. Maritime Economics & Logistics, 19(3), 451–473. https://doi.org/10.1057

[5] Korhan K., Shahram A. (2015). A multi-criteria decision-making model for evaluating priorities for foreign direct investment. Croatian Operational Research Review, 6(2015), 489–510. https://doi.org/10.17535/crorr.2015.0037

[6] Wang, Tien-Chin, Chia-Nan Wang, and Xuan Huynh Nguyen. (2016). Evaluating the Influence of Criteria to Attract Foreign Direct Investment (FDI) to Develop Supporting Industries in Vietnam by Utilizing Fuzzy Preference Relations. Sustainability 8: 447. https://doi:10.3390/su8050447

[7] Лобкова Е.(2020).Применение метода TOPSIS при решении задачи оценки устойчивости развития территорий. Регионалтная экономика:Теория и практика. 1 (472), 87-104. https://doi.org/10.24891/re.18.1.84

[8] Қобилов А., Қурбонов О. Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари: Иерархик таҳлил усули.Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таьминлаш: муаммолар,

таҳлиллар ванатижалар” конференцияси тезислар тезислар тўплами. Тошкент, 2020 йил 30 апрел. 546-551.

[9] Kobilov A., Kurbonov O. (2020) Priorities for atracting foreign direct investment in the Kashkadarya region: The Analytical hierarchy process. TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research. 3 (9). 18-22. http://dx.doi.org/10.5958/2279-0667.2020.00012.7

[10] Saaty, T.L. (2001) Fundamentals of Decision Making and Priority Theory. RWS Publications, Pittsburgh.

[11] Saaty, T.L. (2008) Decision Making for Leaders: The Analytic Hierarchy Process for Decisions in a Complex World. RWS Publications, Pittsburgh.

[12] Saaty, T.L. (2008) Relative Measurement and its Generalization in Decision Making:Why Pairwise Comparisons are Central in Mathematics for the Measurement of Intangible Factors—AHP. Review of the Royal Academy of Exact, Physical and Natural Sciences: Mathematics (RACSAM), 102, 251-318.